Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 18 июнь, шанба № 104 (21:708). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-XII сон қарорига мувофиқ:

1. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1000 сўм-купонга бир «Сўм» нисбати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — «Сўм» муомалага киритилсин.

2. Миллий валютани жорий этиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Нақд пулларни алмаштиришга ҳамда пул муомаласига оид барча тезкор ва жорий масалаларни ҳал қилиш комиссия зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — «Сўм» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 «Сўм» бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 «Тийин» бўлган металл тангалар ҳолида нақд пул муомаласига чиқарилади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Сўм» қонуний тўлов воситаси ҳисобланади;

«Сўм»лар ва «Тийин»лар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ҳамма жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар томонидан омонатларга ва ҳисоб варақларига қўшиб қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбуридир;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюта — «Сўм» билан бир қаторда эркин муомаладаги валютадан тўлов воситаси сифатида белгиланган тартибда фойдаланишга рухсат берилади.

5. Сўм-купонларни алмаштириш учун аҳолига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва миллий валютага шошмасдан ўтишни таъминлаш мақсадида:

— Ўзбекистон Республикасининг банк муассасалари 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб сўм-купонларни муомалага чиқаришни тўхтатсинлар;

— 1994 йилнинг 1 августига қадар барча турдаги тўловларга, шунингдек фуқароларнинг омонаталарига ва Ўзбекистон Республикаси доирасида пул ўтказиш учун миллий валюта билан бир қаторда 1000 сўм-купонга 1 «Сўм» нисбати билан ҳеч қандай чекловларсиз сўм-купонларни қабул қилишга рухсат берилсин. Аҳолига хизмат кўрсатаётган республиканинг барча савдо ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари мазкур банднинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Сўм» билан сўм-купон баббаравар муомалада бўлган даврда сўм-купонларга товарлар сотишдан ва хизмат кўрсатишдан бош тортганлик учун айбдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортсинлар.

6. Марказий банк, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» ва республиканинг бошқа банклари 1994 йил 28 июндан 5 июлгача 1994 йил июнь ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақи, шунингдек 1994 йил июль ой учун пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар «Сўм» билан берилишини таъминласинлар.

7. Республиканинг вакил қилинган банклари 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб тегишли пунктлар орқали эркин муомаладаги валютани Ўзбекистон Республикасининг «Сўм»ларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган курс бўйича чекловларсиз алмаштириб берилишини таъминласинлар.

8. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, республиканинг барча хўжалик юритувчи субъектлари ва банк муассасалари 1994 йилнинг 1 июлигача бўлган ҳолатда ҳисоб варақларидаги, омонатлардаги ва мажбуриятлардаги маблағларни, шунингдек иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа тўловларнинг миқдорларини 1 «Сўм»: 1000 сўм-купон нисбати билан қайтадан ҳисоблаб чиқсинлар.

9. 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турлари фақат миллий валюта — «Сўм» билан амалга оширилишини эътиборга олиб, аҳолига 1994 йилнинг 1 августига қадар қолган сўм-купонларни омонаталарга чекловларсиз қўйиш тавсия этилсин.

Жамғарма тармоғига эга бўлган «Ўзжамғармабанк» ва республиканинг бошқа тижорат банклари 1994 йил 1 августидан бошлаб сўм-купонларни омонаталарга қабул қилишни тўхтатсинлар.

10. Жамғарма тармоғига эга бўлган «Ўзжамғармабанк» ва республиканинг бошқа тижорат банклари 1994 йилнинг 1 сентябрига қадар аҳолининг омонаталар бўйича шахсий ҳисоб варақларидаги операцияларни фақат ҳисобкитоб чеклари, чек дафтарчалари ёки омонатчиларнинг топшириқлари бўйича пул ўтказиш йўли билан амалга оширсинлар, 1994 йилнинг 1 сентябридан бошлаб эса омонатчиларнинг хоҳишига кўра «Сўм»лар ва «Тийин»лар билан берсинлар.

11. Миллий валютани жорий этиш механизми бўйича Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ишлаб чиққан норматив ҳужжатлар маъқуллансин.

12. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчилик шакларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун меҳнат ҳақини тўлашга бериладиган маблағларни давлат йўли билан тартибга солиш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида бунинг учун зарур йўриқномаларни хўжалик юритувчи субъектларга етказсин.

13. Миллий валюта — «Сўм»ни жорий этиш ҳамда муомалада бўлган сўм-купонларни белгиланган муддатларда йиғиштириб олиш борасидаги ишларнинг ташкил этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки зиммасига юклатилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1994 йил, 16 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 16 ИЮНДАГИ ФАРМОНИГА ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ «СЎМ»НИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Муталов А. М. — Бош вазир, комиссия раиси
Ҳамидов Б. С. — Бош вазир ўринбосари, комиссия раисининг муовини
Муллажонов Ф. М. — Марказий банк Бошқаруви раиси, комиссия раиси муовини
Усмонов М. З. — Бош вазир ўринбосари
Шарифхўжаев М. Ш. — Бош вазир ўринбосари
Алматов З. А. — ички ишлар вазири
Гатаулин Ш. Қ. — Давлат солиқ қўмитасининг раиси
Раҳимов К. Р. — алоқа вазири
Умурзоқов Б. Х. — ижтимоий таъминот вазири
Абдуғаниев Б. А. — «Ўзбекбирлашув» Бошқаруви раиси
Азимов Р. С. — ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Бошқаруви раиси
Аҳадов А. А. — «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» Бошқаруви раиси
Ибодов А. И. — «Ўзсаноатқурилишбанк» Бошқаруви раиси
Муҳитдинов Н. Ф. — «Ўзжамғармабанк» Бошқаруви раиси
Файзиев З. А. — «Ўзбексавдо» уюшмаси раиси
Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпания раиси
Обидов О. О. — меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари
Голишев В. А. — «Ўздавстатистикаболстат» раисининг биринчи ўринбосари
Иноятов Р. Р. — Миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари
Ҳазратқулов М. Х. — ЎзА Бош директори
Каримов Р. — Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодиёт бўлимининг мудири

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл таклифига биноан 1994 йил 23—24 июнь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлади.

Ўзбекистон халқи ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилади, деб умид билдиради.

(ЎзА).

Президент туркиялик журналистларни қабул қилди

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 23 июнь куни расмий давлат ташрифи билан Туркия Республикасига боради. Ана шу ташриф муносабати билан 17 июнь куни «Буюк ипак йўли» ҳиссадорлик жамияти раиси Эрфон Куртўғли раҳбарлигидаги бир гуруҳ Туркия журналистлари Президент Ислом Каримов қабулида бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари «Сабоҳ», «Туркия» рўзномалари, «Ипак йўли» журнали, АТВ, ТГРТ, «Канал Е» телекомпаниялари мухбирларининг Туркия—Ўзбекистон муносабатлари ривожи, ташриф мақсадлари, қадимий Ипак йўлининг истиқболи ва бошқа мавзулардаги саволларига батафсил жавоблар берди.

— Туркияга ташрифдан мақсад ўзаро муносабатларни янги, янада юқори босқичга кўтаришдир,— деди Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан.— Ана шу ниятда биз Туркия раҳбарияти, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашамиз. Улар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида музокаралар олиб борамиз. Ташриф давомида тегишли ҳужжатлар имзоланади. Бу ҳужжатлар қадимдан қондош ва жондош икки халқ орзу интилишларини ифодалаши табиий.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКАНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ТЎЛДИРИШ, ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пул муомаласини барқарорлаштириш, истеъмол бозорини тўлдириш, экспорт самарадорлигини ошириш ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг харид қобилияти барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

республика истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш дастури;

пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари;

Ўзбекистон Республикасининг экспорт самарадорлигини ошириш дастури.

2. 1994 йилда товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмларини қўшимча равишда кўпайтириш бўйича вазирликлар, идоралар, уюшмалар, бирлашмалар ва корхоналарнинг таклифлари қабул қилинсин.

3. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда хорижий фирмалар билан тузиладиган шартномалар бўйича тўлов муддатини ўн икки ойга суриб, консигнация (воситачилик) асосида 60 миллион АҚШ доллари миқдорида республикага озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш учун маблағларнинг манбаларини излаб топсин.

Молия вазирлиги ва «Ўзулгуржибиржасавдо» «Ўзбексавдо» уюшмасига республика ташқарисидан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳукуматлараро битимлар бўйича клиринг ҳисобкитоб варақларига тушадиган маблағлар ҳисобидан Россия Федерациясининг 50 миллиард рублини (ҳар ой 10 миллиард рублдан) ажратиб берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари меъёрланган маҳсулот сотиш борасида ўрнатилган тартиб ҳамда чакана савдо билан шуғулланувчи барча юридик шахслардан солиқ ундириб олиниши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тушиши юзасидан белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилишини таъминласин. Солиқларни тўлаш қоидаларини бузганлик ёки уни тўлашдан бўйин товлаганлик каби ҳар бир факт бўйича материаллар Прокуратура органларига топширилсин.

Республика Бош прокурорига келиб тушган материаллар ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминлаш, тизим ходимларининг бу борадаги шахсий жавобгарлигини ошириш таклиф этилсин.

6. Солиқ идоралари ходимларининг ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари давлат бюджети ҳамда маҳаллий бюджетга солиқлар тушишига оид мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита боғлиқ қилиб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси икки ҳафта муддат ичида юқорида кўрсатилган тоифадаги ходимларни сақлашга кетадиган харажатларни пул билан таъминлаш тартибини белгилаб, солиқларнинг кўзда тутилган тушумлари бажарилмаган тақдирда уларни қисқартиришни назарда тутсинлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шакларидан ва кимга бўйсунишдан қатъи назар, ҳар бир корхона, ташкилот ҳамда муассаса:

асосий фаолият бўйича операцияларни амалга ошириш учун фақат битта хизмат кўрсатувчи банкда ҳисоб-китоб (жорий) ва бюджет ҳисоб варағини очиши мумкин:

республика ҳудудидаги банкларда валюта ҳисоб варақаларини очиш чоғида корхона бир ҳафта муддат ичида тегишли солиқ идораларига шу ҳақда ахборот бериши шарт.

Солиқ идоралари солиқ органини хабардор қилмасдан ҳисоб (жорий, валюта, ссуда, депозит ва бошқа) варақалари очиш ҳолатларини аниқлаган тақдирда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

8. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг чет эл банкларида белгиланган тартибда рухсат этилмаган хорижий валюта сақлашлари валюта тушумини яшириш деб ҳисоблансин.

Валюта тушумларини чет эл банкларидан яшириш фактлари аниқланганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси яширилган валюта маблағларининг жами миқдорини олиб қўйиш ва хорижий валюта билан, хорижий валюта етишмаганда эса, фойдани яшириш факти аниқланган кунидаги Марказий банк курси бўйича миллий валюта билан худди шунча миқдордаги маблағни жарима тариқасида республика бюджетига ўтказиб, молиявий жазо чораси қўлласин.

9. Давлат мулки объектларини сотиб олиш чоралари хусусийлаштириладиган мулкнинг сотиб олинадиган улушидан камида 30 фоизини дастлабки бадал тарзида тўлаш шарти билан тўлов муддатини узайтириш бир йилгача чекласин.

10. Республиканинг устивор соҳаларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий кредитлардан самарали фойдаланиш бўйича идораларо комиссия тузилсин. Идораларо комиссия зиммасига: бир ҳафта муддат ичида комиссия тўғрисидаги Низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

харажатлар қопланишини юксак даражада таъминлайдиган ҳамда республиканинг экспорт имкониятини кенгайтиришга ва истеъмол бозорини тўлдиришга қаратилган биринчи галдаги инвестиция лойиҳалари рўйхатини бир ой муддат ичида аниқлаш ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаши учун тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги 88-сон қарорининг фермерлар, кичик корхоналар, кооперативлар нақд пулга кичик ҳажмли техника, минерал ўғит ва уруғлик сотиб олишлари учун уларга кредитлар бериш ҳақидаги 11-бандининг амал қилиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳукумат илтари қабул қилган қарорларни ушбу қарор билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафталик муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

13. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари зиммасига юклатилсин. Мазкур қарор қандай амалга оширилиши йилнинг ҳар чорагида республика ҳукумати мажлисида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси экспорт имкониятини кучайтиришдан иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида:

1. Кўп валюта берадиган экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда ўзлаштиришни таъминлайдиган корхоналарнинг соҳасини ўзгартириш, уларни техника ва технология билан қайта жиҳозлаш орқали экспортга йўналтирилган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш хорижий сармояларни кенг кўламда жалб этган ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим устивор йўналиши деб белгилансин.

2. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт товарлари (ишлари, хизматлари) камида 30 фоизни ташкил этадиган барча корхоналар даромад солиғини амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган миқдорда тўлайдилар.

3. Корхоналар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) экспорт ҳажмларини ўстиришдан олган эркин муомаладаги валюта тушуми даромад солиғини тўлашдан ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига мажбурий равишда сотишдан озод қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки, илм-фан асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва машина-техника маҳсулотини экспорт қилишдан олинадиган ҳамда экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантиришга сарфланадиган эркин муомаладаги валюта тушуми Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига мажбурий равишда сотишдан тўла ҳажмда озод қилинади.

5. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар эркин муомаладаги валютага экспорт қиладиган товарлардан олинадиган божларнинг амалдаги муваққат миқдорлари 50 фоиз камайтирилсин.

6. Эркин муомаладаги валютага сотиладиган экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун корхоналарга кредитлар беришнинг имтиёзли тартиби жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Марказий банк билан биргаликда бир ой муддат ичида имтиёзли кредитлар бериш шартларини белгилаб, бундай кредитлар фақат экспорт бўйича идораларо комиссиянинг хулосасига биноан берилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда солиқ солишда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар муносабати билан бир ой муддат ичида бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоб тартибини ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиб, қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги 10 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ва норматив ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритишга доир таклифларни тайёрласин.

10. Мазкур Фармон 1994 йилнинг 1 июлидан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда болали оилаларга давлат йўли билан мадад беришни кучайтириш, ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва болаларни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида:

1. 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдамининг амалдаги тизими ўрнига қуйидаги нафақа турларидан иборат янгича тизим жорий этилсин:

16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга ҳар ойлик нафақа; бола туғилганда энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида бир йўла бериладиган нафақа;

бола икки ёшга етгунча уни парваришлаш учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида оналарга бериладиган ҳар ойлик нафақа.

2. Белгилаб қўйилсинки, барча оилаларга улардаги болаларнинг сонига қараб қуйидаги миқдорларда ҳар ойлик нафақалар тўланади:

бир болали оилага энг кам иш ҳақининг 10 фоизи;

икки болали оилага энг кам иш ҳақининг 20 фоизи;

уч ва тўрт болали оилага энг кам иш ҳақининг 40 фоизи;

беш ва ундан ортиқ болали оилага энг кам иш ҳақининг 50 фоизи.

3. Қуйидагилар пул билан таъминлашнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга ҳар ойлик нафақалар учун — республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари;

бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа учун — ижтимоий суғурта маблағлари;

бола икки ёшга етгунча уни парваришлашга оналар учун бериладиган ҳар ойлик нафақалар: ишловчи оналар учун — корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари; ишламайдиган оналар учун — республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига, корхоналар ва ташкилотларга:

мавжуд маблағлар доирасида болали оилаларга бериладиган нафақаларнинг белгиланган турларига қўшимча пул ва қўшимча имтиёзлар белгилаш, ушбу мақсадлар учун ижтимоий жамғарма маблағларидан тўлароқ фойдаланиш;

жамоат, хайрия ташкилотларининг ҳар хил ижтимоий ёрдам кўрсатишга оид фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жамиятда инсонпарварлик, хайр-эҳсон ва раҳм-шафқат ғояларини ёйишга кўмаклашиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 16 июнь.

БОЛАЛАРГА АМАЛДА ТЎЛАНАЁТГАН ВА ЯНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН НАФАҚА ТУРЛАРИ ҲАМДА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, 1994 йилнинг 1 сентябридан бошлаб болали оилаларга давлат тарафидан бериладиган ижтимоий ёрдамнинг Ягона тизими жорий этилади. Янги тизим болаларга бериладиган нафақа турларига ҳам, марказий ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган давлат ёрдами миқдорларига ҳам мукаммал ва объектив тарзда ёндошишни назарда тутади.

16 ёшга тўлмаган болаларга бериладиган ойлик нафақа мамлакатдаги барча фарзандли оилаларга ҳеч бир истисносиз тўланади. Илгари ҳар бир болага ойига ўрта ҳисобда 286 сўм-купон тўлаб келинган бўлса, эндиликда 7000 сўм-купон тўланади, яъни нафақа миқдори салкам 25 баробар кўпаяди.

Оилага тўланадиган нафақа миқдори болалар сонига қараб ўзгаради ва:

— бир болали оилага 7000 сўм-купонни;
— икки болали оилага 14000 сўм-купонни;
— уч-тўрт болали оилага 28000 сўм-купонни;
— беш ва ундан кўпроқ болали оилага 35000 сўм-купонни ташкил этади.

Табиийки, энг оз иш ҳақи миқдори оша борган сари оилага бериладиган нафақа миқдори ҳам мувофиқ равишда кўпайиб бораверади. Умуман, болаларга нафақа тўлаш учун мамлакат бўйича ҳар ойда бюджетдан қарийб 70 миллиард сўм-купон, бир йил ҳисобидан эса, тақрибан 840 миллиард сўм-купон маблағ ажратилади.

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа сақлаб қолинди ва республикада бўлган энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида, яъни 140000 сўм-купон этиб белгиланди. Ижтимоий суғурта жамғармаларидан бериладиган бу хил тўловлар учун ҳар ойда 7,7 миллиард сўм-купон, йил мобайнида эса 92 миллиард сўм-купон маблағ сарфланади.

Чақалоқ парвариши билан банд оналарга нафақа тўлаш тартиби ҳам ўзгаради. Илгари оналарга бола 1,5 ёшга етгунча нафақа тўланган бўлса, эндиликда бу муддат 2 йилга қадар узайтирилади. Натижада қўшимча тарзда 310 минг она нафақанинг янги турини олади, чақалоқ парвариши учун нафақа оладиган аёлларнинг умумий сони эса 1 миллион 235 минг кишини ташкил этади. Чақалоқ парвариши учун амалдаги нафақа миқдори 319 сўм-купондан 14000 сўм-купонгача, яъни қарийб 44 карра кўпаяди. Нафақанинг бу тури учун бюджет ва корхоналар маблағларидан ҳар ойда 17,3 миллиард сўм-купон, йил давомида эса 208 миллиард сўм-купон ажратилади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, амалдаги нафақалар ўрнига уларнинг янги турлари ва миқдорларини жорий этиш учун бир йилда ҳозирги вақтдаги 130 миллиард сўм-купон ўрнига 1 триллион 123 миллиард сўм-купонга яқин маблағ талаб этилади, яъни нафақа тўлови миқдори 9 каррагача ошади.

Албатта, бундай катта маблағларни топиб бериш осон иш эмас. Лекин оилаларга ёрдам бериш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш ва камолотга етказиш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш мақсадида мамлакат ҳукумати ушбу мақсадлар учун маблағ ажратиб топишни зарур деб ҳисоблади. Шу билан бирга, мамлакат Президентининг Фармони билан ҳокимликларга, корхоналарга, муассасалар ва ташкилотларга болали оилалар ва оналарга ижтимоий мадад бериш учун қўшимча манбаларни излаб топиш, хайрия ташкилотларининг фаолиятини кенгроқ ривожлантириш тавсия этилди.

РЕСПУБЛИКАДА БОЛАЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН АМАЛДАГИ ВА ЯНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН НАФАҚА ТУРЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ҚИЕСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Нафақа турлари	Амалдаги схема	Жорий этилаётган схема	Неча баравар	Пул таъминоти манбалари
1. Болаларга тўланадиган ҳар ойлик нафақалар				Бюджет
— 1 болага ўрта ҳисобда (сўм-купон)	286	7029	24,6	
— 1 оилага ўрта ҳисобда (сўм-купон)	874	21469	24,6	
— барча болаларга (барча оилалар) (млн. сўм-купон)	2790,07	68571,3	24,6	
2. 1,5 (2) ёшгача болани парваришлаш учун ҳар ойлик нафақалар				Бюджет, корхоналар маблағи
— бир онага ўрта ҳисобда (сўм-купон)	319 (1,5 ёш)	14000 (2 ёш)	43,9	
— барча оналарга (млн. сўм-купон)	295,33	17281,6	58,5	
3. Бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа				Ижтимоий суғурта жамғармаси
— 1 болага ўрта ҳисобда, бир ойга (сўм-купон)	11667	11667		
— барча болаларга тўланадиган жами маблағлар, бир ойга (млн. сўм-купон)	7700,2	7700,2		
4. Нафақаларнинг барча турлари бўйича сарфланадиган жами маблағлар:				
— ойига (млн. сўм-купон)	10785,6	93553,1	8,6	
— йилига (млрд. сўм-купон)	129,6	1122,6	8,6	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАМЛАКАТ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ

Азиз шифокорлар!
Муҳтарам тиббиёт ходимлари!

Сизларни анъанавий касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақил Ўзбекистон тараққиёти, унинг буюк келажаги, порлоқ истиқболи бевосита сиз, азизларнинг ақл-заковатингизга, меҳнатингизга, фидойилигингиз ва меҳр-мурувватингизга ҳам боғлиқ. Зеро, халқимизнинг буюк яратувчилик қудрати жисмоний ва ақлан соғломлик билан чамбарчас боғлиқ. Республикамизнинг тиббиёти ривожланган, халқи соғлом юрт бўлиши сизнинг зиммангизга улкан масъулият юкламоқда.

Бугунги Ўзбекистон тиббиёти жаҳон табобат илми назарияси ва амалиётида муносиб ўрин эгаллаган, дунё тажрибаларини бойитиб бораётган ғоят кенг тармоқли соҳа. Айни пайтда у халқимиз саломатлигини ҳимоя қилиш, ақлан ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш билан бирга Абу Али ибн Сино, Шарафуддин Илоқий, Нажибуддин Самарқандий сингари жаҳон тан олган улуғ боболаримиз ишини давом эттириб, она-юртимиз шуҳратини оламга ёймоқда.

Азиз дўстлар!

Улкан хонадонимиз — Ўзбекистондай шонли ва шавкатли Ватанимиз халқи соғлиғи учун ҳамма имкониятларни ишга солиб, ўз касбингизни шарафлашингизга ишончим комил. Байрамингиз нишонланаётган ушбу муборак кунда сизларни яна бир бор қутлар эканман, жонажон мамлакатимиз истиқболи йўлида қилаётган фидокорона меҳнатингизни юксак қадрлайман.

Сизларга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик, бахт-саодат, эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Тарихий воқеа арафасида турибмиз

16 июнь куни Тошкентда республика Вазирлар Маҳкамаси билан Олий Кенгаши Раёсатининг қўшма мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш, мамлакат ички истеъмол бозорини зарур моллар билан тўлдириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг республика экспорт имкониятларини ошириш борасидаги вазифалари ҳамда болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги тизими ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Мустақил, фуқаролари тўқ ва фаровон ҳаёт кечирадиган давлат барпо этишнинг асосий шарти — юксак тараққий этган, мустаҳкам иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир, — деди Президент. — Республикада амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг, иқтисодий ислоҳотнинг ҳам асл мақсади ана шунга қаратилган. Мустақил иқтисодиёт эса мамлакатда харид кучи, қуввати, қадри юксак бўлган миллий валюта амал қилишини тақозо этади. Қолаверса, миллий валюта байроқ, тўғро, мадҳия, Конституция каби давлат ва халқ рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир!

Биз миллий пулимизни жорий этишга узоқ вақтдан бери ҳозирлик кўриб келамиз. Хорижий давлатларнинг, Ҳамдўстлик мамлакатларининг бу борадаги тажрибасини мутахассисларимиз пухта ўрганди. Миллий валютага ўтишнинг биринчи босқичида «сўм-купон»ларни муомалага киритиб, синаб кўрдик, тажриба орттирдик. Унинг ёрдамида айрим иқтисодий масалаларни ҳал этдик. Энди ҳақиқий миллий валюта — сўмга ўтишнинг вақти-соати етди, деди Президент.

Маълумки, янги пул чиқариш билангина улкан мақсадларга эришиб бўлмайди. Зеро, пулимизнинг харид қуввати, жаҳон миқёсидаги мавқеи юксак бўлиши учун ҳозирдан тайёргарлик кўрмоқ лозим. Бу истеъмол бозорининг тўкинлигига эришиш, экспорт ва импорт нисбатини мусбат ҳолга келтириш, яъни республиканинг маҳсулотларни четга сотиш имкониятини кескин ошириш, айниқса, мамлакатда молия, кредит сиёсатини такомиллаштириш, жамиятнинг эҳтиёжманд табақаларини, жумладан, фарзанд тарбиялаётган оилаларни ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофаза қилишни талаб этади.

Мажлисда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов, Ў. Султонов, меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари О. Обидов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот берди.

Миллий валюта — сўмга ўтишнинг муддатлари, тартиби, у билан боғлиқ масалалар юзасидан республика ҳукумати кўраётган чоратадбирлар, болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизими батафсил муҳокама қилиниб маъқулланди.

Ҳар қандай давлатнинг инсонпарварлиги, жамиятнинг маънавияти аёллар ва болаларга бўлган муносабати билан ўлчанади, деб таъкидлади Президент. Шу маънода болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизими мукаммаллиги, уларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан улкан аҳамият касб этади. Қисқа қилиб айтганда, 16 ёшгача бўлган бironта бола давлат ғамхўрлигидан бебаҳра қолмайди. Бу мақсад учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳозиргига қараганда бир неча баробар ортади.

Мустақил Ўзбекистон халқи буюк воқеа арафасида турибди, — деди Президент Ислом Каримов пировардида. Биз иқтисодий мустақиллик йўлида яна бир улкан қадам ташлаяпмиз: ўз миллий пулимизга эга бўляпмиз. Аслини олганда — бу ҳам бир саодат. Биз буни теран ҳис этишимиз, миллий пулимизни янги туғилган фарзанд каби бағримизга босишимиз, у билан ғурурланишимиз, асраб-авайлашимиз, куч-қувватли, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозим.

Мажлисда реснублика Бош вазири А. Муталов, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Олий Кенгаш қўмиталари раислари, Бош вазир ўринбосарлари, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, банк муассасаларининг раҳбарлари қатнашди.

(ЎзА).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЛИЙ ҚЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн бешинчи сессияси якунлари ва Президент Ислом Каримов нутқида ўртага қўйилган вазифалар асосида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар ўлкада иқтисодий ислоҳотни ўтказишда муайян силжишларга эришилганини таъкидлаш билан бирга, асосий эътиборни қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, саноатни қишлоққа келтириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигига қаратди.

Сессияда Жоқарғы Кенес халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар, фуқароларнинг сайлов кафолатлари тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров сессияда сўзга чиқди.

(ЎзА).

• Ислоҳот ва одамлар

Бугунги кунда жойлардаги ҳокимлик тизимларида халқпарвар, келажакни кўра оладиган раҳбарлар ишлашини давр тақозо этмоқда. Ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат ҳам ана шундай. Яқинда Президентимиз Ислом Каримовнинг вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан учрашувида: **«Раҳбарлик масъулияти шундаки, у аввало эл-юртга тақдири учун жавобгар. Ҳадиси шарифда таъкидлашганидек раҳбарликнинг мақоми элу-юртга оталикдир»**, дея тўғри таъриф бердилар. Сўзга чиққан ҳокимлар ҳам Президентнинг жойлардаги ишончли вакили бўлишга сўз бергандилар. Улар республикада ислоҳотни амалга ошириш, хусусан деҳқон (фермер) хўжаликларни ер билан таъминлаш, қишлоққа саноатни олиб келиш, чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар очиш каби долзарб мавзуларда фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Пастдарғом туман ҳокими, **Нарзиқул ЭШОНҚУЛОВ** билан мўҳбиримизнинг суҳбати ҳам туман халқ хўжалиги қурилишида олиб борилаётган ишлар ва келажак режалар хусусида бўлди.

— Нарзиқул ака, суҳбатимизни раҳбарлик масъулиятидан бошласак. Ҳоким билан халқ ўртасидаги алоқанинг қайси шакл ва воситаларини маъқул деб биласиз?

— Кимдир раҳбарлик — санъат, деган экан. Дарҳақиқат, кўпчиликка бош бўлиш мушкул. Сир эмас, орамизда савлатидан от ҳуркадиган, важоҳатидан киши ҳайиқадиган раҳбарлар учраб туради. Бундайларга одамлар ўз дардини айтиш у ёқда турсин, қорасини кўрса четга қочади. Раҳбар элга аралашиши керак. Ана шунда у ўйлаган ниятини амалга оширади.

Фуқаро жамият ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларнинг энг адолатли ҳуқуқий йўналишлари ҳукуматимизнинг бугунги сиёсатида барқарор бўлмоқда. Олдинлари фуқаро жамият ва ҳокимиятга хизмат қилган бўлса, энди жамият ва ҳокимият фуқарога хизмат қилмоқда.

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов биз ҳокимлар билан учрашув чоғида ҳақ гапни айтдилар: **«Оқил ота фарзандларини ҳеч қачон яхши-ёмонга ажратмайди. Барчасига тенг кўз билан қараб, уларнинг бошини қовуштириб, ихровардида хонадон ободонлигига эришади».**

Шундан кўриниб турибдики, асосий вазифамиз халққа оталиқ қилиш. Унинг манфаати йўлида хизмат қилиш. Мен тўй-маъракаларда, йиғинларда оддий кишилар, меҳнаткашлар билан дилдан суҳбат қуришга иштиёқмандман. Ахир, бизнинг фаолиятга холис баҳони халқ беради-ку. Одамларга ёқиш учун аввало уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш керак.

Туманда маориф, маданият, тиббиёт ва ижтимоий-таъминот масалалари бўйича хизмат кўрсатиш ҳокимиятнинг доимий диққат эътиборида. Бугунгача қарийб 20 минг хонадон табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланиб, 104 та хонадон ва ҳовлини ўз ичига олган Дўстлик кўрғони барпо этилди. Қишлоқ йўлларининг 27 чақиримдан кўпроқ қисми янгитдан асфальтланди. Ҳозиргача 1879 янги оилага томорқа берилди. 128 та оилага мўлжалланган янги уй-жойлар қурилиши ҳамда «Хончорбог» жамоа хўжалигида ва Жума шаҳрида замонавий ҳаммом қурилишлари фойдаланишга топширилиш арафасида.

— Ҳар бир даврнинг ўз оғирликлари бор. Назаримда, Президентимиз томонидан жорий этилган жойлардаги ҳокимлик тизими ана шу оғирликларни бартараф этишни зиммасига олиши керак. Шу маънода меҳнаткашлардан тушган шикоятларга эътибор қандай?

— Кўплаб шикоятлар келиб туради. Дарҳол чоралар кўрилишини назорат қилиб тураман. Шунинг учун бўлса керак одамлар юқори ташкилотларга ёзишмайди. Демак, ҳокимият фуқароларга хизмат қилмоқда, фуқаро бизга ишонмоқда.

Баъзан шундай бўлади, икки қўшни бир-икки метр жойга жанжаллашиб ҳоким олдига арз билан келади. Вундай масалаларни маҳаллада, нари борса оқсоқоллар кенгашларида ечиш мумкин-ку . Аммо улар бунга аралашишни лозим топишмайди. Натижада оворагарчилик. Нигинларда кўп бора таъкидлайман: аҳоли турмушига дахлдор муаммонинг катта-кичиги йўқ. Уни жойида, вақтида кўриб чиқиш керак. Шунда беҳуда ёзишмалар бўлмайди. Асаббузарликлар йўқолади.

— Туманда Президентимиз томонидан халқ турмуш даражасини юксалтириш учун чиқарилаётган фармонлар қандай бажарилмоқда?

— Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари бевосита жойларда ҳар кунги иш режасига айланди. Туманимиз аҳолиси учун республика ташқарисидан нисбатан арзон нархларда наслли қорамоллар келтириб аҳолига сотишни ташкил қилдик. Ҳозирги кунда аҳоли қўлида ўтган уч йилни қўшиб ҳисоблагандагига қараганда тўрт баробар мол кўпайган.

Фақат кейинги икки йилда аҳолига 564 гектар ер қўшимча томорқа қилиб берилди. Ҳозирча туманимизда ун, шакар, ёғ ва бошқа биринчи эҳтиёж маҳсулотлари етарли. Туманда шу ўринда хусусийлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятига ҳам кенг йўл очдик. Ҳозир ҳудудимизда 84 та кичик корхона, 7 хусусий савдо шахобчаси, 164 та деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Бунинг натижасида мингга яқин киши иш билан таъминланди. 526 та оилага давлат уйлари бепул расмийлаштирилди.

— Юртбошимиз қишлоқ саноатни олиб келиш, унинг тармоқларини шакллантириш хусусида кўп гапирмоқда...

— Аҳолини боқишнинг асосий манбаи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан келган даромад ҳисобласада, биргина деҳқончилик лар билан ҳамкорликда 1,5 минг ишчи ишлайдиган бахмал дўхобаси тайёрлайдиган фабрика, Австралия ишбилармонлари билан ҳамкорликда йилига йигирма минг тонна шакар ишлаб чиқарадиган завод ва бошқа қўшма корхоналар қурилишини бошлаб юбордик.

Нарзиқул ака ўлкамизда ёз фасли кезиб юрибди. Деҳқончилик ишлари ўлкамизнинг ҳамма жойида авж олган. Ризқу рўз, насиба шу кунларда яратилади.

— Айни кезда туман меҳнат аҳли ёзги дала юмушларига уюшқоқлик билан киришган. Далаларда меҳнат авжида. Техника воситалари бир зум ҳам бекор қолмаслик чораларини кўряпмиз.

Асосий экин майдонларимиз янги ташкил этилган ширкат ва фермер хўжаликлари ихтиёрига бўлиб берилган. Демак, бу йил гўшт ва сут маҳсулотлари ўтган йилгидан ҳам мўл бўлади. Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, қўлдан келган барча шароитларни яратиб бермоқдамиз.

Ниятимиз давлатимиз иқтисодиётини кўтаришда ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Суҳбатдош Маъмуржон ҚИЕМОВ, «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ЭЛГА ҚЎШИЛСАНГ, ЭЛ БЎЛАСАН...



ЯНГИЛИКЛАР

МУКОФОТГА ЯРИМ МИЛЛИОН

● Олмалиқ шаҳридаги Абдулла Қодирий маҳалласида футбол ўйини ишқибозлари жуда кўп. Улар орасидан иқтидорли ўйинчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида мусобақалар ташкил қилинди.

ХДП шаҳар кенгаши олдинги уч ўринни эгаллаган ғолибларга ярим миллион сўм мукофот пули ажратиб, мусобақа ташкилий ишларига бош-қош бўлди. Саккиз командани ташкил этган маҳалла спортчилари орасидан келгусида футбол юлдузларимиз етишиб чиқса, ажаб эмас. Ана шу эзгу ният билан уюштирилган мусобақа якунида шаҳар ҳокими муовини Т. Топилов ва ЎзХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Т. Алимовлар олдинги ўринларни эгаллаган уч командага пул мукофотларини топширдилар.

К. ПЎЛАТОВ.

БУХОРО ИПАГИДАН АТЛАС

Илгари Бухоро пиллакашлик фабрикасининг деярли барча маҳсулоти тўқимачилик корхоналарига жўнатиларди. Эндиликда ишчилар манфаатига хизмат қиладиган маҳсулотнинг бир қисми корхона ҳузурида очилган атлас тўқиш цехида қолдириляпти. Цех усталари ота-боболаримиз анъаналарини давом эттириб, харидоргир атлас ишлаб чиқаришяпти.

Энди бўзчи белбоққа ёлчиб, корхона ипакчилари эгнида ҳам Бухоро пилласидан тўқилган ялтироқ атлас кўйлак кўзга ташланса ажабмас.

ҲИММАТДАН ХУРСАНД

Когон туманида ёшларни касбга йўналтириш, ҳунарли бўлишга даъват этиш яхши самара беряпти. Бунда туман меҳнат биржасининг фаолияти, айниқса, ибратли. Биржа «Бандлик» жамғармаси ҳисобидан бу ишга ўн миллион сўм-купон ажратди.

Ҳунарли бўлиш истагидаги ёшлар бундай ҳимматдан жуда хурсанд. Масалан, гилам тўқиш касбини ўрганиб қайтган ёшлар ҳам ҳимматдан, ҳам ишчи ўринлари яратиб қўйилганидан ўзларининг якка эмасликларини, улар ҳақида қайғуришаётганини амалда ҳис этаётирлар.

Б. ДАВРОНОВ.

Яқинда ўрим-йиғимни бошлаган Арнасой тумани ғаллакорларининг хурсандчиликлари чексиз. Бунинг икки сабаби бор. Биринчиси, ғалла харид нархларининг оширилгани бўлса, иккинчиси пишиқчиликнинг бултургидан ўн кун илгари бошланганидир.

Ҳа, ўрим-йиғимга барвақт киришилди. Шунга яраша ҳосилдорлик ҳам бултургидан юқори бўлаётир. Биз ушбу суратларни туманнинг 15-А ширкатлар бирлашмаси далаларида олганмиз. Бирлашманинг 520 гектар ғаллазори деҳқонларни ўз қут-баракаси билан хушнуд этмоқда. Ҳар гектар майдондан режадаги 28 ўрнига 35 центнердан ҳосил ўриб-йиғиб олинаётир. Ҳосилдорлик бирлашманинг Азизқул Сандқулов бошлиқ деҳқон-фермер хўжалигида бундан ҳам юқори бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Деҳқон-фермер А. Сандқулов ғаллазорда; 2. Мавсумда 150 гектар майдоннинг ғалласини ўриб-йиғиб олишга аҳд қилган илғор комбайнчи Тўйчибек Турсунов.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ олган суратлар.

• ХДП ҳаётидан

ЁШЛАР — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилояти кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон ХДПнинг ёшларга доир сиёсатини амалга оширишда вилоят партия ташкилотларининг вазифалари ҳамда партия Марказий Кенгашининг X пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Бу масалалар юзасидан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаев маъруза қилди.

Пленумда партия ёшларимиз қиёфасида мустақил Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги порлоқ истиқболини таъминлашда асосий таянч бўлган ҳамфикр, ҳамкор кишиларни кўраётгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ёш фуқаролари маданиятли, билимли ва маънавий бой, ўз Ватанининг ҳақиқий ватанпарварлари, Ўзбекистоннинг келажагига муносиб ва садоқатли бўлиб етишишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг устувор йўналиши бўлаётгани буни кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда вилоят партия ташкилотларининг ёш авлод тарбиясига эътибори янада ортмоқда. Хусусан, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш, ташвиш ва қувончларига шерик бўлиш уларнинг ХДПга бўлган ишончи, ғайрихоҳлигини оширмоқда. Қорақўл, Ғиждувон, Олот, Жондор, Вобкент туманлари, Бухоро шаҳри партия кенгашлари ҳозирги қийин даврда ҳам ёшларнинг бахт ҳамда суннат тўйларини ўтказиш харажатларини ўз зиммаларига олишаётгани эътиборга лойиқдир.

Жондор тумани партия кенгаши ҳокимлик билан ҳамкорликда маданий меросимизни ўрганишга бўлган қизиқишни янада ошириш учун мактаблар ва ҳунартехника билим юртлари ўқувчилари ўртасида Маҳмуд Таробий стипендиясини таъсис этди. Бу стипендия энг кам ойлик маошининг 50 фоизи миқдорида бўлиб, ундан 23 ўқувчи баҳраманд бўляпти.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоят партия ташкилоти ўз сафларини ўстиришда асосий эътиборни ёшларга қаратаётир. Ҳозир вилоят ташкилоти ҳисобида бўлган 20 минг 520 нафар партия аъзосининг 3,5 минг нафарини ўттиз ёшгача бўлган ишчи, деҳқон ёшлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ташкил этади. Кейинги ойларда ХДП сафига қабул қилинган ёшлар 1100 кишини ташкил этади.

Лекин пленумда таъкидланганидек, айрим туманларда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни дадиллик билан раҳбарлик лавозимларига кўтаришга етарли эътибор берилмаяпти. Шу боисдан истеъдодлар сояда қоляпти. Шунингдек, жойларда ёшлар ўртасида жиноятчилик камайгани йўқ. Вилоят партия ташкилотлари ёшлар сиёсатини ўтказишда имкониятлардан тўла фойдаланишмаяпти. Бунга Когон, Қоровулбозор, Шофиркон туманлари партия ташкилотлари мисол бўла олади. Вилоят партия кенгаши қошида ҳалигача ёшлар сиёсати бўйича комиссия тузилмаган.

Қабул қилинган қарорда шу сингари камчиликларни бартараф этиш, ёшларга Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларини амалга оширишлари учун етарли иж-тимоий шароитлар яратиш партия ташкилотлари фаолиятининг мезони бўлиши даркорлиги таъкидланди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби А. Мирқосимов иштирок этди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Элбек таваллудининг 95 йиллигига*

ОЛИМ ВА МУАЛЛИМ

Элбекнинг лингвистик қарашлари замондошларидан бир қадар фарқланарди. У ўткир тилшунос сифатида текшираётган ҳар бир фактини энг аввало замон руҳига боғларди, яратган назариясини ўз иш фаолияти жараёнида қўллаб, текширишдан ўтказарди. У катта яратувчи муаллим сифатида ўз лингвистик назариясини педагогикага моҳирона сингдира олувчилик қобилиятига эга ўқитувчи эди. Шу маънода Элбек ўзбек миллий мактабшунослиги билан она тили таълимини муштарак ҳолда талқин этиб, мактабнинг вазифаси нима-ю, она тили ўқитишнинг вазифаси нималардан иборатлиги муаммоларига жон қуйдириб таъриф берар, ўзигача айтилмаган фикрларни яратувчи олим сифатида айтарди.

У ўзбек тилшунослиги ва педагогикасида таълимий бирлик бўлиши кераклигини асослаб, она тили барча тарбия ўчоқларида, айниқса мактаб ҳаётида барча фанларга асос бўлиши лозимлигини илмий-услубий жиҳатдан исботлаб берган ўткир мураббий эди.

«Ҳар бир элнинг,— дейди ўзининг «Бошланғич мактабда она тили» номли монографиясида,— янги тўқроқ мактаби бошланғич даврида тўлуқ маъноси билан билимнинг турли бутоқларидан билим бераётган мактаб бўлмай, ёлғиз ёзув мактабигина бўладир. Янги кўзи очилгон эл эса олди билан ёзув танишгo имтиладир, бизнинг ёш мактабимиз ҳам ушбу кунгача ёлғуз ёзув танитиш мактаби бўлуб келди».

Элбекнинг педагогик қарашларида мактаб тарбияси ва оилавий тарбия муштараклиги алоқа қуролимиз бўлган она тилимиз орқали амалга оширилиши исботланади. Шу боис ҳам бошланғич таълимда она тили барча фанлар учун методологик асос бўлишини кўрсатади.

Шоир 1921 йилда ўттиз саҳифа ҳажмда «Ёзув йўллари» номи билан алоҳида қўлланма чоп эттирди. «Кириш» ва «Сўнг-сўз»дан ташқари ўн бир сабоқни ўз ичига олган бу қўлланма она тили ўқитувчилари ва ўқувчилари учун тўғри ёзув, имло бўйича анча пухта ва илмий-методик жиҳатдан бақувват асар эди. «Ёзув йўллари»нинг яратилиши, зарурати ҳақида муаллиф шундай дейди:

«Элимизда шу кунгача «Ёзув йўллари» йўқлиғидан ёзувларимиз бир турли ёзилмасдан ҳар кимнинг ёзғичи истаган ёққо бурилиб, истаган йўл билан кеткан ва шул орқасида бир неча турли йўлсиз ёзувлар юзага чиқиб қолгон эди. Бу йўлсиз ёзувларни бир тўғри йўлгo солиб, бир негиздир йўсин остиғо олмоқ керакмиди...»

Бугина эмас, Элбек ўша давр маданий ҳаёти билан ҳамнафас қалам тебратди. Халқ болаларига сабоқ ўргатиш, уларни онгли қилиш, яшаган муҳитига саводхонлик билан ёндошиш истагида иш тутди. Ўз навбатида ёшларга савод ўргатишнинг ўзи қизил империянинг тутуми моҳиятини онгли идрок қилишни тарбияларди.

Атоқли педагог миллатимиз болаларини талаблар даражасида саводхон қилиш учун энг аввало, мактабларда таълим бераётган муаллимларни тарбиялаш лозимлигини қайта-қайта уқтирар, ўз китоб ва мақолаларида таъкидларди. У ўзининг «Матбуот тилида бирлик бўлсун» деган мақоласида «Матбуотчилар ҳам ўқитувчидан таълим оладир, улар ўргатганича ёзадир. Турли билимдоғи ўқутғувчилардан сабоқ олгон ўқуғувчи ҳам устози изидан борадир. Билимлари андоқ бўлгон ўқутғувчидан ўрганган толиб — газетачи ҳам сўзларни турлича ёзадир...» дейди.

Шу маънода Элбек она тилини барча фанларга таъсир этувчи, уларни ўз қонун-қоидалари билан забт этувчи кенг қамровли илм-фан деб тушунарди. Барча ўқитувчилар у қайси фан эгаси бўлишидан қатъи назар она тилини билишлари, тўғри ёза олишлари шарт, деб қарарди. Шу сабабли ҳам она тили муаллимларига катта талаблар қўйиб, уларга дарс ўтиш услубиёти ҳақида мақола ва рисолалар ёзарди.

Тилшунос олим 1923 йили «Бошланғич мактабда она тили» номи остида ўқитувчилар учун китоб чоп эттирди. Асар ўз номи билан мактаб ўқитувчилари орзиқиб кутган илмий-методик дастур эди. Унда она тили ўқитиш учун қайси синфда қандай иш услубидан фойдаланиш лозимлиги, ўқитувчи қандай йўл тутса унинг ҳар бир дарси ўқувчига етиб бориши мумкинлиги каби муҳим муаммолар ечими берилади.

Элбек ўз китобининг «Бир—икки сўз» деб аталувчи сўзбошисида ёзади: «Ушбу «Бошланғич мактабда она тили» китобини ёзишдан, бизнинг озми, кўпми бир тилагимиз бор. Ул ҳам бўлса, бошланғич мактабларда она тили дарси ўқитгувчиларигo қўлимиздан келганича кўмак бермакдир. Белгилидирким, бу кун мактабларимизда оз бўлса-да, она тили тўғрисида ёзгон китобларимиз бордир. Бироқ, бу китоблардан тўғридан-тўғри воситасиз фойдаланмак оғирдир.

Зеро, ҳар бир ўқутғувчининг қўлиғо тушган асардан бирданигина текширмасдан ўқутиш ёхуд уни болаларнинг қўлларигoғина бериб қўюб, ўзининг кўнгли тинчиб вазифасин адо эткан каби бўлиш, кўб янглиш бир ишдир.

Ёлғиз китобдан ўқутиш билан масала ҳал бўлмайдир. Балким, ул китобдаги ёзилгон нарсаларни жонлантириб онглата билиш ва ўқутгон нарсаларни амалга ошириш керакдир. Албатта бу иш учун ўқутгувчиларнинг оз бўлсада мана шу китоблар каби ўқитиш йўлларин кўрсататурғон бир асарни кўздан кечиришлари тегишдир...»

Элбек таъбири билан айтганда, она тили ўқитувчисининг ҳар бир дарси энг аввало бола учун тўла тушунарли бўлишдан ташқари, у саҳна асари бўлиши керак.

Элбекнинг ўзбек тилшунослигида қилган илмий ва амалий ишлари беқиёсдир. У ўзбек муомала маданиятида алоқа қуроли сифатида ўрис тили ҳукмронлиги авж олиб, ўрис сўзлари «кам қўлланиб», форс ва араб сўзлари фаоллашаётгн бир даврда ўзбек тилининг бой тил эканлигини амалий жиҳатдан асослаб, синонимлар ва омонимлар луғатини яратди. Бу нарса биргина ўзбек тилшунослигида эмас, шунингдек бутун турколог иясда ҳам янгилик, айтиш жоиз бўлса, биринчи қадам сифатида майдонга чиқди. Минг афсуски, саккиз босма табоқли «Маънидош сўзлар луғати» бирон нусхада бўлса-да, сақланмаган.

Булардан ташқари атоқли тилшунос олим «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил, 18 ва 19 сентябрь сонларида эълон қилган «Имло масаласи», шу газетанинг ўша йили 27 ноябрь сонида босилган «Имло ва тил қурултойининг чақирилиши олдидан» сингари ўндан ортиқ илмий мақолаларида имломизнинг пухта бўлиши ва лўндалиги йўлида ибратли маслаҳатлар ва амалий йўл-йўриқлар беради.

Ҳайдарали УЗОҚОВ.

Отам ҳаёт бўлганларида ҳозир 95 ёшга кирардилар. Онламизга насиб этмаган отажоним замонлар келиб, кеч бўлсада, оқланди, «Миллатчи, аксилинқилобчи, пантуркист, панисломист» каби тамғалар парчалаб ташланди. Бунга истиқлолимиз, мустақиллигимиз сабабчи бўлди.

Азизлар, яхшилар кўп экан. Олим, жонкуяр педагог

ЯХШИЛАР КЎП ЭКАН

Ҳайдарали Узоқовнинг отам ва бошқа унинг сафдошлари тўғрисида олиб борган тадқиқотлари бизда унга нисбатан меҳр оловини алангалатди. Бу хайрли ишлардан миннатдор ўлароқ, 70 йил ёруғлик кўрмай сарғайиб ётган отам шеъриятидан сайланма қилиб, тез фурсатда — атиги уч ой ичида «Момогулдурак» номида чоп этган атоқли ёзувчи Нурали Қобул, таниқли шоир Анвар Обиджон ва бошқа «Чўлпон» нашриётининг садоқатли раҳбарларига бутун Элбек зурриётлари номидан миннатдорчилик айтаман.

Шунингдек, отамнинг икки жилдли сайланмаси нашриётга топширилди. Республика Ёзувчилар уюшмасининг кўмаги билан таваллуд топган кунларининг нишонланиши падари бузрукворимиз халқимиз, Ватанимиз олдидаги фуқаролик бурчига садоқат билан қилган ишларини яна бир бор эсга олиш, деб ўйлайман.

Улуғбек ЭЛБЕКОВ,
шоирнинг ўғли.

САНЪАТКОРЛАР ДЕЙДИ...

Мен марҳум, Элбек бобомнинг «Чиғатой гурунги» адабий тўгараги фаолияти ва гўзаллик оламидаги ижодий баркамоллик томон хайрли қадамига бағишланган:

«Қўлларингда ушлаб турғон чолғунги
Бир кўришда «чин чолғу» деб ўйладим.
Ўйладим-да, юрагимнинг тегидан
Чин севинчли турли куйлар куйладим»,

сатрлари билан бошланувчи «Яна алдадинг» шеърига ўз дуторим билан куй басталаганман. Шояд, бу куйқўшиғим атоқли шоир ва улкан мураббий руҳлари олдида менинг тортиғим бўлса.

Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Шоир Элбекнинг китобларини ўқигач, унинг сўз санъаткори, улкан шоир ва катта педагоглигига ишонч ҳосил қилдим. Ҳайдарали Узоқов сценарийси асосида яратилган «Истиқлол йўлида узилган наво» телекўрсатувини меҳр билан тайёрладик. Ҳар бир лавҳа, детал устида ишлар эканман, бутун вужудимда шоирнинг туғён тўла дарди, эрк ва истиқлол йўлидаги курашлари, қолаверса қатағонлик қийноқлари кўз олдимдан кетмади.

Маҳкам МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр.

Элбекнинг ҳар бир лирик шеърида жозиба, дард бор. Айниқса, табиат манзаралари тасвири, пок муҳаббат ва эркинликка интилиш мавзуи жуда таъсирли битилган. Шу сабабли ҳам мен шоирнинг «Баҳор ишқи» шеърини Алишер Икромов мусиқаси асосида имкон қадар ижро этишга интилдим.

Гулбаҳор СУЛАЙМОНОВА,
эстрада хонандаси.

Атоқли шоир Элбекнинг жуда содда тилда битилган шеър ва ғазаллари орасидан янада халққа яқинларидан «Чечаклар» номидаги юрак садоларини танладим, бунга мос куй басталадим. Буни дуторчи қизлар ансамбли ижро этди.

Замира РАҲМАТУЛЛАЕВА,
дуторчи қизлар ансамблининг бадиий раҳбари.

ЭЛБЕК

БИБИХОНИМ МАДРАСАСИ

«Ўтмишдан эсдалик» дедим буни мен,
Чиндан-да эсдалик учун ёрошор.
Ҳув-ҳувлаб рақс урғон бир кўб
кўкарчин,
Менга ўтмишлардан эртак айтишар.

Бир замон кўкларга қанот ёйгон бу,
Севгим муҳташам, ҳайбатли бино,
Емрилиш соғатин кутгандай бўлиб
Кўринур кўзларга қайғулиғино.

Ер юзни титратган зўр ботирларнинг
Ўлгач қолдирғуси суякларидай,
Ер узра тўпланган кирпич йиғини
Юракка урадир алам тиғини.

Нетайин билмайман мен ҳеч йиғини,
Билсайдим бошлардим йиғи — сиғини!
Кўзим ёш ўрниғо алов сочадир,
Емрак ўринлариға қўйин очадир.

Олтин-ла ёзилгон тарих бергa
Қарайдир, ўзига боболар очадир.
Ўқийдир ул бобда бундайин:
«Ҳар бир иш бир ҳолда қолмағай!,»
яъни:
Ҳар бир камчилик қолмас мангулик,
Бир кун чиқгуси яна янгилик.

1925 йил.

ЯНА АЛДАДИНГ

Қўлларингда ушлаб турғон
чолғуингни
Бир кўришда «чин чолғу» деб
ўйладим.
Ўйладим-да юрагимнинг тегидан
Чин севинчли турли куйлар
куйладим.
Куйларимни секин-секин тинглағоч,
Ёлғондан бир алдабғина йиғладинг!
Йиғларингда туриб-туриб узоқдан
Менга боқиб, бир неча сўз сўзладинг!

Ман ҳам санинг узоқлардан
мунгланиб,
Айтиб турғон сўзларингни тингларға,
Ёнинг сори секин бориб, ёнишдим
Ёнишдим-да, йўлларимдан адошдим...

Одошмасға қўймадинг сан алдамчи!
Алдадинг, сан бу кун мани ёлғончи,.
Ёш чиқармай, йиғлар туслиқу ваъданг
«Тил чолғу» деб чин чолғуни
ёширдинг!

Берган чолғунг чолғу эмас-ку, десам:
«Сан чолғуни танимассан!» деб
кулдинг!
«Чин чолғуни бер ҳозиро» деб,
қичқирсам,
«Кулибгина ўйналмайсан!» деб
сўкдинг!

«Иштирокиюн» 1920 йил,
18 сентябрь.

ЭЛНИНГ БОЛАСИ ЭДИ

Шоир Элбек атоқли зиёли эди. Мен уни 30-йилларнинг бошларидан билардим. Бир неча бор учрашганман, фойдали маслаҳатларини олганман. Бу улуғ инсон халқи учун, Ватани учун туғилган эди, десам хато бўлмас. Унинг бутун қалби, вужудида ўзбек зиёлисининг энг яхши қирралари яширинган. Эзгу фазилатларни ўзига сингдириб олган инсон, билим савияси кенг, ижодиёти ранг-баранг оҳангларда товланадиган шоир ва педагог эди.

Элбек ҳам катта шоир, ҳам моҳир муаллим, ҳам ўткир журналист, ҳам йирик тилшунос, таниқли таржимон, болалар адабиётида масалчиликнинг асосчиси эди. Ундаги одамийлик, инсонларнинг улуғларига хос салобат, сеҳр ва виқор, табиий гўзаллик, қўркам савлат ҳаммани ўзига тортарди. У мажлис бўлаётган жойга кириб келганида, аудиторияда гўё нур пайдо бўлгандек, одамларнинг кўнгли ёришиб кетарди.

Сулаймон АЗИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

• *Эртага—Тиббиётчилар куни*



ДЕНОВЛИК МАРДОН ДЎХТИР

Эшитгансиз. Балки танирсиз ҳам. Кўзойнаги остидан боқиб турган нурли кўзлари эсингизда қолган бўлса эсларсиз. Кўзда сеҳр бор деганлари балки шудир. Мардон дўхтир (Хўжаназаров) ҳақида гап кетса, у ёғи Тожикистон тарафларда (энди Сурхонни қўяверинг), бу ёғи Қашқадарёю Самарқанд, Тошкент томонларда ҳам кўнгилни чоғ қиладиган яхши гаплар юради.

У ниҳоятда камгап. Ортиқча мулозаматни ёқтирмайди. Дангалчи. Мақтов... эшитса қўл силтайди-да, «ишни аввал бир кўринг, кейин...» дейди.

Ўзи айтмади. Бошқалардан эшитдим. У киши 1976 йилнинг 19 январида Ўрта Осиё (бугунги Марказий Осиё)да биринчи бўлиб кўзга сунъий гавҳар қўйган экан. Бунинг устига икки дипломли. Ҳам болалар, ҳам кўз хасталиклари бўйича мутахассис. Секин гапга тутаман:

— Мардон ака, эшитишимча сиз Деновда биринчи клиника очган экансиз?

— Институтни битириб тўғри шу ёққа келдим. Бир колхознинг идораси ўрнида 30 ўринли кўз касалликлари диспансери бор эди. Шу орада бошқа туманлардаги кўп шифохоналар ёпилиб кетди. Бизники қолди. Нега десангиз, анча-мунча назарга тушиб қолгандик. Эл-улус ишонди. Энди гаппинг бердисини эшитинг, ҳамма замондаям бузишдан кўра қуриш қийин кечган. Энг қийин пайтларда катталарнинг бирини ака дедим, бирини ука дедим, хуллас, икки қаватли замонавий шифохонани қурдирдим. Бугун қаранг, тўрт тараф боғ, соя-салқин. Ана шу-да, биздан қоладигани.

Э, нимасини айтасиз, ўша олтмиш бешинчи йиллари Деновда, қолаверса, Сурхондарёда кўз жарроҳлиги деган сўзни кўпчилик тушунмасди. Кўз шикастланадими, касалланадими, барибир, билган ҳам, билмаган ҳам дуч келган муолажани қилаверган. Қанчалаб одамлар ожиз бўлиб қолган. Булар айтилмаган, яширилган.

Биз мухбирларнинг ғалати одатларимиз бор-да, бўма, мен уларнинг жовдираб, мадад истаб турган кўзларига қараб қўлидаги қоғозга ишониб «йўқ, сиз Сурхондарёдан эмассиз, қабул қилолмайман» дейнимми? Йўқ, ука, юрагим чидамайди. Касаллик манзил танламайди. Шунинг учун доим қабулда ишлаётган дўхтирларимга айтаман, беморнинг паспортини эмас, аввало аҳволини кўринглар, шунга қараб муносабат билдиринглар.

Бугунги кунда шифохонамизда 41 нафар ходим ишлаяпти. Шунинг тўрт нафари шифокор, 60 беморга хизмат қиляпмиз.

— Ҳозир ҳаммаёқда пуллик хизмат турлари кўпайиб кетди. Айниқса, тиббиёт соҳасида...

— Йўқ, шахсан мен бунга қаршиман. Пулни ҳаммаям топавермайди. Беш қўл баробар эмас-ку? Лекин кўз бойга ҳам, камбағалга ҳам баб-баравар керак? Айрим касалликлар бор, кўп ётиб даволаникига тўғри келади. Улар нима қилади? Буёғини ҳам ҳисобга олиш керак.

— Биласизми, бундай хасталикларнинг турлари кўп. Айниқса, ҳозирги пайтда глаукома (кўксув)—кўз ички босимининг ошиб кетиши. Унинг кўпайиб кетиш сабаблари иккита: биринчиси, биз 60—70-йилларда тиббий техника билан старли даражада таъминланмадик. Ташҳис қўйишга жуда қийналдик. Бир томони асабга бориб тақалади. Шунинг учун мен бир маҳаллар ўзим туғилиб ўсган қишлоқда тажриба ўтказганман. Юқоридаги кўксув касаллиги билан оғриган битта одамни топганман. Ҳозир эса шу қишлоқда ишонинг, ишонманг кам деганда 40 та бор. У юқумли эмас. Бир-бировга ўтмайди. Лекин яна қайтариб айтаман, кўп касалликлар асабга боғлиқ. Яна бир касаллик бор. Катаракта — яъни гавҳарнинг хиралашиши. Уям илгарилари жуда кам учрарди. Энди ўйланг, ҳозир истеъмол қилаётган сувда, овқатда, ҳатто нафас олаётган ҳавода ҳам заҳарли моддалар бор. Менимча, бунинг касри кўзга ҳам уряпти. Ахир кўз оддийгина нарса эмаски, уни кесиб, тилиб кўраверсак. Энг нозик нуқта. Сал эҳтиётсизлик қилинса, тамом. кўздан ажраб қолиш ҳеч гапмас.

Энди қўйинг, мен сизга ўзим ўтказаётган нозик операцияларни айтиб ўтирмайин. Уни биз биламиз. Ортиқча шов-шув қилиш шарт эмас...

Шунақа гаплар, Мардон аканинг қайсарлигиям бор. Бир сўзлик. Айтганини қилади. Гапини қайтиб олмайди. У киши билан бемалол дунёвий адабиёт, жаҳон маданияти ва маърифати хусусида ҳам баҳслашавериг, бўш келмайди. Хўжа Ҳофиздан, Аҳмад Яссавийдан, бу ёғи Шукур Холмирза ижодидан сўрайсизми, Тоғай Муроддан айтасизми, барибир, баҳслашади. Айниқса, шеъриятни яхши кўради.

Мардон дўхтир... Энди танирсиз-а? Кўзойнаги остидан боқаётган кўзлари, тагдор ва ҳазил-ҳузул гаплари...

Норқобил ЖАЛИЛ.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КУЗГУ

ҚУМИТА ТУЗИЛДИ

● Россия Федерациясининг Чита вилоятида қурилаётган Харанор ГРЭСи ишчилари иш ташлаш қўмитасини туздилар. Маълумки, «Читаэнергострой» ҳиссадорлик жамияти ишчилари бир неча ойдан буён маош олмаётган эдилар.

Қурувчиларнинг очлик эълон қилиши ҳам бирор натижа бермади. Иш ташлаш қўмитаси оммавий йиғин ўтказиш учун вилоят маъмуриятидан рухсат олди. Лекин раҳбарлар жиддий ташвишга тушиб қолдилар. Чунки, қурувчилар мамлакатни Хитой билан боғловчи темир йўлда поездлар ҳаракатини бульдозерлар ва юк машиналари ёрдамида тўхтатамиз, дея бир неча марта маъмуриятни огоҳлантирган эдилар.

ШИДДАТЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

● Афғонистон Республикаси пойтахти Кобул шаҳрида мамлакат Президенти Бурҳониддин Раббоний қўшинлари билан мухолифатдаги Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёрнинг жанговар қисмлари ўртасида шиддатли тўқнашувлар бўлиб ўтди.

Икки томон ҳам жангда авиацияни ишга солган. Айни пайтда Президентнинг расмий вакили Абдул Азиз Мурод Бурҳониддин Раббоний 30 июнда тугаши керак бўлган ваколатини яна давом эттиришга қарор қилганини айтди. Бош вазир вакилининг баёнотига кўра эса, Президентлик ваколатининг давом эттирилиши ҳарбий ҳаракатлар ҳали-бери тўхтамаслигини англатади.

СЕМИЗЛАР ҚИСҚАРТИРИЛМОҚДА

● Нью-Йорк полиция бошқармаси «ўта семиз тартиб сақловчи»лардан қутулишга қатъий аҳд қилди.

Полиция шахсий таркибини «тозалаш» 2 минг курсант таълим оладиган Нью-Йорк полиция академиясидан бошланди. Ҳозиргача 12 нафар полициячини ишдан бўшатишга буйруқ берилди. Улардан бирининг бўйи 167 сантиметр, вазни эса 112 килограмм эди. Мутахассисларнинг фикрича, полициячиларга белгиланган жисмоний нормативлар аллақачон эскирган. Ўта семиз ҳуқуқ ҳимоячиси эса ҳеч қачон ўз вазифасини тўла бажара олмайди. Масалан, академия битирувчиси 3 қаватли зинапоянинг 78 та зинасини 50 секунд давомида босиб ўтиши керак.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТНИНГ САЪИ-ҲАРАКАТИ

● Америка Қўшма Штатларининг собиқ Президенти Жимми Картер Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги ҳарбий-демаркация чизиғини кесиб ўтиб, Пхеньянга келди.

Бир пайтлар Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга уринган собиқ Президент Корея ярим оролида ядро қуроли билан боғлиқ муаммони ҳал этиш учун ўзининг сиёсий тажрибасини ишга солмоқчи. У Сеулда Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан суҳбатлашди. Энди Жимми Картер КХДР Президенти Ким Ир Сен билан учрашади. У Шимолий Корея раҳбарини минтақадаги муаммони халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда ҳал этишга ундаб кўради. Америкалик сиёсатдон хусусий сафари якунида яна Сеулда бўлиб, Ким Ен Самни ўз ташрифи натижаларидан огоҳ этади.

ВАЗИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги келишмовчиликлар, хусусан, Кашмир муаммоси бартараф этилмагунча Покистон давлати ядро қуролига эга бўлиш ниятидан қайтмайди, деди мамлакатнинг ташқи ишлар вазири Сардор Асиф Аҳмад Али парламент йиғилишида.

Шунингдек, у ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномага Покистон ва Ҳиндистон мамлакатлари бир пайтда қўл қўйишлари лозимлигини, акс ҳолда Покистон бу мажбуриятни ўзидан соқит қилишини айтди. Халқаро экспертлар фикрича, Покистон ҳарбий йўналишдаги ядровий тадқиқотлар дастурига эга.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

ПОКИСТОН ДАВЛАТ ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЮРОСИ
ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ

СИЗЛАРНИ ПОКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кўргазма 1994 йил 14-20 июнь кунлари Ўзэкспомарказда (собиқ ВДНХ) ўтказилади

Кўргазмада қуйидаги маҳсулотлар билан танишишингиз мумкин:

Саноат моллари, машина асбоблари, цемент ва шакар заводлари, электроника ва электр моллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлари, пахта, жун, текстиль, полиэстер газмоллари, тайёр кийимлар, пайпоқ маҳсулотлари, сочиқ, чармдан қилинган буюмлар, оёқ кийим, фармацевтика, спорт буюмлари, жаррохлик ускуналари, косметика, кимёвий озиқалари, тамаки ва сигареталар, гуруч озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғочдан ясалган уй жиҳозлари, халқ амалий санъати усталарининг маҳсулотлари.

Маълумот учун телефонлар: 771442, 771003, 778272

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 20. VI

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 18.50 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. «Узкинохроника» — «Ўчмас йиллар хотираси». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Гўзаллик қуйчиси». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Санъат олами». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Қирғизистон Республикаси Ўш вилоят мусиқий театри яккахонларининг концерти. 22.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ИЙЛЛИГИГА. «БИР ЎЛКАКИ...». 1-кўрсатув. 23.15 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 00.30 «Мерос». Телефильм. 00.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. (Танаффус пайтида — «Бугун». Ахборот кўрсатуви ва эълонлар).

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Ҳамшаҳарлар». 20.40 «02» тўлқинида. 21.00 «Билиб қўйган яхши». 21.20—23.50 «Демидовлар». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.35—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 «Ретро-шлягер». Ю. Визбор. 20.45 «Асил ҳолича». 21.30 Концерт. 21.45 «Ростраль колоннасидаги музей». 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика). 18.55 «Йўлбошчи». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловда. 20.50 «Матбуот-клуб». 22.10 «Санъат қасри». 22.45 — 23.00 Катта футбол лаҳзалари.

Сешанба, 21. VI

● ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.30 Болалар учун «Томоша». Фильм-концерт. 9.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 9.50 Ўқув кўрсатуви. Химия. 10.20 «Ислоҳот ва масъулият». 10.50—11.20 Ўқув кўрсатуви. География. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Имконият излаб». 18.40 «Сеҳрли сандиқ». Мультфильм. 18.50 «Ўзбекона лутф». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ўтмишга бир назар». Маърифий кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ИЙЛЛИГИГА. «БИР ЎЛКАКИ...». 2-кўрсатув. 22.45 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов. 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.10 Телефильм. 00.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати (Танаффус пайтида — «Бугун». Ахборот кўрсатуви ва эълонлар).

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Мультфейерверк». 20.35 «ЭМ-ТИ-ВИ» оҳанглари ва эълонлар. 21.00 Видео янгиликлари. 21.20 «ЭМ-ТИ-ВИ» оҳанглари ва эълонлар. 22.00 — 24.00 «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 Ҳар соҳадан бир шингил». 9.40 Эълонлар. 9.45 Видео — «О». 11.30 Эълонлар. 11.40 «Курьер». 11.55 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.15 Эълонлар. 12.20 «Рок ҳақида». 12.50 «Даракчи». 13.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 13.20 Эълонлар. 13.30 Видео—«О».

18.00 — 19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 333-серия. 20.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Илк манбадан». 20.40 «Виктория». Аскар қўшиқлари фестивали. 21.55 «Матбуот-экспресс». 22.05 «Авто-шоу». 22.25 — 22.45 «Олис, олисда Чад кўли ортида», «Жайрон ороли». Телефильмлар.

Чоршанба, 22. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.25 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.25 Болалар учун фильм. «Уч бақалоқ». 9.50 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.50 Ўқув кўрсатуви. Математика. 12.20 «Анъана ва замон». 12.50—13.20 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек тили ва адабиёти. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Теран томирлар». 18.55 «Солиқ инспекцияси фаолиятидан». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Кашф этилаётган имкониятлар». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Аҳмаджон Дадаев қуйлайди». Фильм-концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ИЙЛЛИГИГА. «ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЕР!». ЭКРАНДА — НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. 22.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова концерти. 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.05 Телефильм. 00.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати (Танаффус пайтида — «Бугун». Ахборот кўрсатуви ва эълонлар).

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Спринт». 20.10 «Оламни асранг!». 20.40 «Иқтисодий ислоҳот йўлидан». 21.10 Мусиқий меҳмонхона. 22.10 — 00.15 «Қўш қопқон». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 334-серия. 20.45 Фильмлар премьераси. 21.00 Телеэкран премьераси. «Разведкачи ҳаётидан номаълум саҳифалар». Бадиий фильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Энг чиройли кемалар». Телевизион бадиий фильм 1 ва 2-сериялар.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Менинг азиз, жанговар артист дўстларим...». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог». 20.40 Ғалабанинг 50 йиллигига. Тирикларни чорлайман... «Аскарлар». Бадиий фильм («Ленфильм», 1956 й.). 22.40—23.00 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловда.

Пайшанба, 23. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Бембининг болалиги». Болалар учун фильм. 9.45 «Ёшлик» студияси. «Ранглар жилоси». 10.10 Ўқув кўрсатуви. Биология. 10.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.55 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.25 — 12.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Нурафшон». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Нормурод Норқобилов. «Йигитлар». Теленовелла. 18.55 «Иқтисодимиз таянчлари». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади... 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Кекса санъаткорлар». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ИЙЛЛИГИГА. «ЮРТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ». БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК КЎРСАТУВ. 22.15 Ўйғун. «Ибн Сино». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.10 «Сени излайман». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 00.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати (Танаффус пайтида — «Бугун». Ахборот кўрсатуви ва эълонлар).

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «ОМАД» тақвими. 20.00 «Жозиба». 20.20 «Бир шингил ҳангома». 20.30 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 20.55 Видео янгиликлари. 21.20 «ЭМ-ТИ-ВИ» оҳанглари ва эълонлар. 22.00—24.00 «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 335-серия. 20.50 «Беш дақиқа яхши ҳаёт ҳақида». 20.55 «Околесица» қаҳвахонасида кеча. 21.50 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Маҳтумқули». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Оқ тўти клуби. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Пекинлик малласоч хоним». Бадиий фильм (Франция). 22.10 «Матбуот-экспресс». 22.20 Янгиликлар.

Жума, 24. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.30 Болалар учун фильм. «Мен сизни севардим». 9.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 10.45 Ўқув кўрсатуви. Физика. 11.15 «Нон — ризқ-рўзимиз». 11.45 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон тарихи. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик студияси. «Ойдин орзулар». 18.35 Мультфильм. 18.50 «Фан уфқлари». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Шифокор маслаҳати. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ислоҳот ва муаммо». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Бевосита мулоқот. 22.30 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти совриндорларининг концерти. 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.05 «Машрабни куйлаб». Мусиқий фильм. 00.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати (Танаффус пайтида — «Бугун». Ахборот кўрсатуви ва эълонлар).

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Ҳаёт бўсағасида». 20.20 «Матлубанинг бахти». Фильм-концерт. 21.00 «Ўзбекистон ахбороти». 21.25 «Хусусийлаштириш — давр талаби». 22.05 «Тошкент оқшомлари». 23.05 — 01.55 «Канонир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 «Ҳеч ким унутилмайди». 20.00 «Мен — йўлбошчиман». 20.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 22.15 Россия Федерацияси Олий суди залидан.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Фойдага қолган умр». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг» 18.00 «Ҳафтанинг акс садоси». 18.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 31-серия. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 20.50 «Детективлар клуби»да. «Ден Огаст». Телевизион бадиий фильм. 8-фильм. 21.50 П. И. Чайковский номидаги Х халқаро танловда. 22.10—23.00 «Взгляд» А. Любимов билан».

Шанба, 25. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.25 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 10.25 «Келажак — бугундан бошланади». Кинокўрсатув. 11.05 «Халқ ижодиёти». Р. Қораев, Ж. Худойқулов. 11.45 «Қирқ ҳунар ҳам оз». 12.15 — 13.25 «Театр учрашувлари». Олим Ҳўжаев номидаги Сирдарё вилоят театридан ёзиб олинган. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильмлар. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун «Оқ йўл!» 18.55 «Ёшлик» студияси. «Хайрли парвоз». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Лирик концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Буни умр дерлар...» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маъмуржон Тўхтасиновнинг янги дастури. 22.10 Катталар учун мультфильм. 22.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 23.25 — 01.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Болалар учун «Табассум». 20.25 «Дарвоқе...». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Қардошлик оиласида». 22.10—00.35 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
11.45—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

11.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.00 «Дунё ва биз». 12.45 «Дидар» (қозоқ тилида). 13.20 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.35 «Рангинкамон» (тожик тилида). 14.25 «Вариацияли мавзу». Мусаввир Янис Салпинкиди. 15.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.15 «Бизнен мирас» (татар тилида). 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Швеция—Россия. АҚШдан кўрсатилади. 21.20 «А» программаси. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Фойдага қолган умр». Телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 «Рукн премьераси» туркумидан кўрсатув. 18.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Бьюлаленд». Телесериал. 1-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Комиссар». Телесериал. 3-серия. 21.30 «Большой театр. Оддий кунлари ва оқшомлари». 22.15—22.25 «Матбуот-экспресс».

Якшанба, 26. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Маҳбоҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 72 — 73-сериялар. 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 11.20 «Хонанда билан учрашув». Ҳуррият Исроилова. 12.00 «Шеъриий дақиқалар». 12.20 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 14.20 «Осиё ҳалқаси». Марказий Осиё республикалари болалар фольклор-этнография фестивали. 15.20 «Аср муаммоси». Халқаро гиёванд лиққа қарши кураш куни. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Пахтакор» — «Янгиер». Танаффус пайтида — 18.45 Эълонлар. 18.50 — Телефильм. 19.50 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.20 Эълонлар. 20.25 «Рақслар гулдастаси». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ойнаи жаҳонда». 22.00 «Якшанба оқшомида». 22.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 23.25 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 00.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға». 17.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 17.40 Видео—«О». 19.20 Эълонлар. 19.25 «Курьер». 19.40 «ЭМ-ТИ-ВИ»дан мусиқалар. 20.00 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.15 Эълонлар. 20.20 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 20.40 «Даракчи». 20.50 Эълонлар. 21.00 Видео «О».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.55—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

10.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 11.10 «Мухбирларимиз хабар қиладилар...». Кўрсатув Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланади. 11.50 «Интерпартнер». 12.30 «БИ-БИ-СИ» янгиликлари (инглиз тилида). 12.45 «Мамлакатлар ва одамлар». Вьетнам. 13.15 «Дунё эшиги». 13.55 «Чинсэн» (корейс тилида). 14.30 «СИ-ЭН-ЭН» янгиликлари (инглиз тилида). 14.45 «Мусиқий саёҳат». 15.15 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Киномарафон. «Қўғирчоқ». «Номлар» туркумидан бадиий фильм. 21.55 «Ксюша ҳузурида». 22.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Аргентина — Нигерия. АҚШдан кўрсатилади.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Мушук Феликс», «Ҳақиқий ажина овловчилар». Мультфильмлар. 18.25 «Олтин шлягер». 19.15 «Бомонд». 19.30 «Нима? Қаерда? Қачон?». 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.45 «Тинч хона». Бадиий фильм. «Юзтубан фаришталар» телесериалидан (АҚШ). 22.20—22.35 «Катта футбол лаҳзалари».

● *Футбол*

МИЛЛИОНЛАР НИГОҲИДА

КЕЧА ЖАҲОН ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Курраи заминнинг турли қитъа ва шаҳарларидаги миллионлаб мухлислар унутилмас ва бетакрор воқеачинг шоҳиди бўлдилар. АҚШнинг Чикаго шаҳрида жаҳон футбол чемпионатининг тантанали очилиш маросими ўзига хос байрамга айланди. 8,1 миллион аҳоли истиқомат қиладиган бу шаҳардаги энг йирик ўйингоҳ 66814 томошабинга мўлжалланган бўлиб, биринчи марта энг йирик спорт анжуманини ўтказиш маконига айланди. Ташкилий ва тадбирий жиҳатлар ўрнига қўйилган, ранг-баранглик устивор бўлган бу ўйингоҳдаги маросим футбол тарихида алоҳида саҳифа бўлғусидир. Шу куни жаҳон чемпионатининг дастлабки учрашувлари ўтказилди. Мухлислар Германия — Боливия, Испания — Жанубий Корея учрашувларини кузатдилар.

Ойнаи жаҳоннинг хосиятини қаранг! Заминимизнинг ўзга бўлаги, яъни Океан ортидаги бир яшил майдонда чипор тўпга берилган зарба садоси хонадонимизгача эшитилса-я. Шу жиҳатдан қараганда ойнаи жаҳонни инсониятнинг буюк кашфиёти, дегинг келади. Бунинг устига телевидениега азим Тошкентда асос солинганидан кўнглинг тоғдек кўтарилгандай бўлади. Орзуга айб йўқ, деганлай қачонлардир кечаги воқеанинг акси бўлиб, юртимиз пойтахтида ўтказилажак йирик спорт анжумани ҳақидаги тасвирлар океан оша олисларга олиб кўрсатилса, ажабмас.

Умуман, озод юртимизда халқ севган ўйин — футболни яна ривожлантириш борасида саъй-ҳаракатлар бошланган. Бу ҳаракатнинг самараси ўлароқ ўсмирлар терма жамоасининг Марказий Осиё гуруҳида ғолиб келиб, Осиё чемпионатига йўлланма олгани умидворлик уйғотади. Бундан ташқари Америкада ўтказилаётган жаҳон чемпионати теграсида Халқаро футбол федерациясининг конгрессида иштирок этиш учун вакилларимиз йўл олишган. Хусусан, Республика футбол федерацияси бош котиби С. Эшмуҳаммадов билан Тошкент шаҳар хокимининг ўринбосари Ш. Жалиловлар мазкур йиғинда иштирок этиб, жаҳон чемпионати ўйинларини ташкил этиш борасидаги тажрибаларни ўрганадилар. Энг қизиқарли учрашувларни кузатиш билан Ўзбекистон футболи имкониятларини янада кенгайтириш хусусида изланадилар...

Футбол қироли Пелени ким билмайди дейсиз? У ўзи ҳақида ва ватандошлари ҳақида ажиб сўзларни баён этмоқда: «Менинг ҳамюртларим бу галги чемпионатда сўзсиз ғалаба қозонадилар. Ўзим бразилиялик бўлганим учун ана шундай комил ишонч билдираётганим йўқ. Боиси, жамоамизнинг шайлиги кўнгилдагидай. У энг иқтидорли футболчилардан таркиб топган». «Мен ўйлайманки,— деб таъкидлайди Пеле,— бу сафар Швеция ва Колумбия футболчилари «совға» ҳозирлашаётгандай. Чунки шведлар ўйин пайтида ўзаро ҳамкорликни ўрнига қўйишмоқда. Шунинг учун ҳам мусобақанинг биринчи даврасида Бразилия футболчиларига ноқулайлик келтиришлари мумкин. Шунингдек Колумбия жамоаси ҳам ўз ўйинини кўрсатади. Улар майдонда эркин ҳаракат қилиб, мақсад сари интилмоқдалар. Фақат Италия, Бразилия, ва Германия каби тажрибага эга эмаслар, холос. Уларни иккинчи давра ўйинларига ўтишларига шубҳам бор». Футбол қироли майдон эгалари ҳақида ҳам илиқ гаплар билдирди. «Америкаликларда ўзига хос футбол услуби борки... кузатиб турсанг ҳеч қандай услуб йўқлигига ишонч ҳосил қиласан. Лекин ҳимояни ўрнига қўйишади. Борди-ю тўп ҳужумчи оёғига тушиб қолгудек бўлса, ундаги профессионал футболчига хос сабр ва маҳоратнинг йўқлиги кўриниб қолади. Ўйлайманки, АҚШ жамоаси биринчи даврадан ўтсада, уёғига қийин аҳволда қолиши мумкин».

Хуллас, футбол чемпионати бошланди. Бир ой мобайнида миллионларнинг нигоҳи яшил майдонларга қадалади. Бугун «А» ва «Е» гуруҳларида бир қанча учрашувлар ўтказилади. Юртимиз мухлислари жаҳон футбол ишқибозларига ҳамнафас бўладилар. Улар тун ярмидан ошишига қарамай, бетакрор ва серзавқ ўйинларни томоша қилишга ошиқиб турибдилар. Ўйлаймизки, катта футбол мухлисларга ажойиб кайфият бахш этади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

«МАДАНИЯТ»

Илмий-ишлаб чиқариш — савдо маданий маркази Тошкентдаги омбордан:

«Урал» коляскали мотоцикларини, хорижий аёллар ва эркаклар пойабзалларини, хилма хил газламаларни, «Полюс», «Орск—416» музлатгичларини, «Чайка» тикув машинқаларини ва бошқа халқ истеъмоли молларини

СОТМОҚДА

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-41-45, 45-49-52, 45-85-56

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1.

Йўналиш: «Халқлар дўстлиги» метро бекати, А. Хўжаев ва Фурқат кўчалари кесишган бурчакдаги давлат спорт қўмитаси биноси ҳовлиси.

ҒИШТ ТАЙЁРЛАШ УСКУНАЛАРИ СОТИЛАДИ

«Ирит-2» кичик корхонаси 3 хил турдаги нам шиббалаш усули билан ғишт ишлаб чиқариш қурилмаларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ускунанинг ишлаб чиқариш қуввати-соатига 180 дан 2000 тагача ғишт тайёрлайди.

Хом ашё — цемент ва сув қўшилмаган тупроқ.

Ғиштнинг мустаҳкамлилиги 1 кв. см.га 50 килограммдан кам бўлмаган юкни кўтаради.

Ускунанинг ўзини қоплаш муддати — 4-6 ой.

Нархи арзонлаштирилган. Қишлоқ ва шахсий қурилишда беқиёс қурилмадир.

ТЕЛЕФОНЛАР: 62-52-91 соат 16.00 га қадар, 44-47-20, 94-33-94 соат 18.00 дан кейин.

Тошкент вилояти Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғида жойлашган «ХИЗМАТЧИ—04» кичик корхонаси 1994 йил 14 июлдан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

●

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиш қўмитаси «Водстрой» ишлаб чиқариш қурилиш монтаж бирлашмасининг 91-қурилиш монтаж бошқармаси 1994 йил 1 июлдан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

●

Тошкент вилояти Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғида жойлашган «БЕҲЗОД — АБДУЛЛА» фирмаси 1994 йил 14 июлдан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

ФАХРИДДИН МУҲИТДИНОВ

Тошкент Давлат юридик институтининг доценти, юридик фанлари номзоди Фахриддин МУҲИТДИНОВ узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 78 ёшида вафот этди.

Орамиздан ўз ишига садоқатли, билимли ва камтарин инсон, меҳрибон ва олижаноб устоз кетди.

Ф. Муҳитдинов 1916 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топди. У 1936 йили Тошкент юридик институтини тугатганидан сўнг илмий фаолиятини давом эттириш учун аспирантурада қолдирилди. Аспирантлик фаолиятини институтда ўқитувчилик иши билан бирга қўшиб олиб борди.

1939 йил армия сафига чақирилиб, 1945 йилгача урушда иштирок этди.

Урушдан сўнг Ф. Муҳитдинов Тошкент юридик институтининг катта ўқитувчиси вазифасида ишлай бошлади.

1946 йилдан 1960 йилгача дастлаб собиқ Октябрь туман судьяси, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, Тошкент вилоят судининг раиси бўлиб ишлаб, одил судловни амалга оширишда ўзининг самарали ҳиссасини қўшди.

1960 йилдан бошлаб, ҳаётининг сўнгги дамларигача Тошкент юридик институтида ишлаб келди. У кўплаб илмий мақолалар ва услубий қўлланмаларнинг, шунингдек вояга етмаганлар жиноятчилигининг огоҳлантириш масалалари бўйича қатор ишларнинг муаллифидир.

Ф. Муҳитдинов Ватан олдидаги хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Ф. Муҳитдиновнинг порлоқ хотираси унинг шогирдлари ва ҳамкасблари қалбида абадий сақланади.

Тошкент юридик институти жамоаси.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника боғи жамоаси кичик илмий ходим

Доно Муҳамеджановна ЗОКИРОВАнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» жамоаси ихтисослаштирилган «Тошйўлқурилиш» трести бошқарувчиси Рихсибой Каримовнинг волидаи муҳтарамаси

Марҳамат КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Ғулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.30.
Г—939 85501 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Ш